
ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР

Маълумки халқимиз маънавиятида, миллий қадриятларида бошқа халқлар ўрганса ва ўз ҳаётида қўллашга арзийдиган кўпгина ибратли тажрибалари мавжуд.

Масалан, умумхалқ ҳашари деб аталган тадбир кўпчиликни бирдамликка, аҳилликка ва меҳроқибатга ундаши билан ажралиб туради.

Ҳукуматнинг тегишли фармойишига биноан, «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш, шунингдек маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида кеча Республикамизнинг барча ҳудудларида «Обод ва кўркем маҳаллам» ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказилди.

Туманимиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари, ташкилот ва корхоналари ҳамда муассасаларда умумхалқ хайрия ҳашарини юқори савияда, кенг аҳоли иштирокида ўтказилди.

Ободонлаштириш ишлари жараёнида маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли уйлар, ҳовлилар, боғлар, кўчаларни тартибга келтириш, чиқиндиларни белгиланган жойга чиқариб ташлаш, кўчаларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, туманимиздаги маҳаллалар ҳудуддаги қабристонлар ва аҳоли дам олиш масканларида ҳамжихатликда олиб борилди.

Ҳашар куни ота-боболаримиздан бизга мерос сифатида етиб келган хайр-саховат тадбирлари ташкиллаштирилди. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ҳолидани хабар олиниб, нуруний отахонлар, кўпни кўрган момолар оилаларига ташриф буюрилди. Уларга байрам совғаси сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

Маҳалла гузарларида хотин-қизлар ва фаол аёллар томонидан сумалак ва чалпақлар пиширилди. Баҳорга мана шундай кўтаринкилик ва яхши кайфият билан чиққан риштонликлар ташкил этилган хайрия ҳашарида фаол иштирок этишди.

«Маҳалламга 30 туп дарахт менинг тухфам» шиори остида барча турар жой мавзелари ва маҳаллаларда гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экиш, дарахтларни оқлаш ва буташ ишлари амалга оширилди.

Албатта, бу каби хайрия тадбирлари барчани ягона мақсад йўлида бирлаштириш баробарида, келажакимиз эгалари қалбида меҳнатсеварлик туйғусини шакллантириши билан аҳамиятлидир.

2021-03-14 08:51:04